



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GULISTON NEFT BAZASI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GULISTON NEFT BAZASI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.05.2007

45

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200323074

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Sirdaryo viloyati, Sayxunobod tumani, O'zbekiston, Yoshlik qo'rg'oni,

Guvohnoma:

**Sirdaryo viloyati, Sayxunobod tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI**

**tomonidan
berilgan**

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik haqida
ma'lumotnoma

15.05.2020 r

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi 200323074, GULISTON NEFT BAZASI	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi <i>O'zgarishlarsiz</i>
2	THSh Mas'uliyati cheklangan jamiyat	THSh <i>O'zgarishlarsiz</i>
3	Faoliyat yuritish manzili Sirdaryo viloyati, Sayxunobod tumani, O'zbekiston, Yoshlik qo'rg'oni,	Faoliyat yuritish manzili <i>O'zgarishlarsiz</i>
4	IFUT Qattiq, suyuq va gazsimon yoqilg'i va shu kabi mahsulotlar ulgurji savdosi	IFUT <i>O'zgarishlarsiz</i>

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'asischi turi	Ta'asischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	201053474	O'ZNEFTMAHSULOT AK	33 900 000 000.00	100.00 %
Ustav fondi 33 900 000 000.00 UZS				100.00 %

O'zgarishdan keyingi Tasischilar

Ta'asischi turi	Ta'asischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	200837914	O'ZBEKNEFTGAZ AJ	33 900 000 000.00	100.00 %
Ustav fondi 33 900 000 000.00 UZS				100.00 %

Сайхунобод тумани “Давлат
хизматлари” маркази томонидан
2020 йил “15” майда
17-45 -сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

М.Ў.



“Гулистон нефт базаси”
масъулияти чекланган жамияти
ягона иштирокчисининг
2020 йил 11 майдаги 03/05-сон
умумий йиғилиши қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”



“ГУЛИСТОН НЕФТ БАЗАСИ”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда “Жамият” деб юритилади) ушбу Устави Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388 – сонли қарори асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти Жамиятнинг ягона таъсисчиси ҳисобланади (бундан буён матнда “Таъсисчи” деб юритилади).

1.3. Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

Давлат тилида – “Guliston neft bazasi” Mas’uliyati cheklangan jamiyati, қисқача номланиши – “Guliston neft bazasi” МСНЖ;

Кирилл алифбосида – “Гулистон нефт базаси” Масъулияти чекланган жамияти, қисқача номланиши – “Гулистон нефт базаси” МЧЖ;

Рус тилида – общество с ограниченной ответственностью “Гулистанская нефтебаза”, краткое наименование – ООО “Гулистанская нефтебаза”;

1.4. Жамиятнинг жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ёшлик кўрғони.

1.5. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунарига мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи билан штамп ва бланкаларга, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўз эмблемасига, товар белгисига эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият ўз эгаллигида мустақил балансда ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.6. Жамият банк муассасаларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб-рақамлари Таъсисчи билан келишган ҳолда очади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият таркибига қуйидаги филиаллар киради:

Сирдарё филиали.

3.2. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар тузишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятнинг асосий фаолияти – белгиланган тартибда истеъмолчиларга турли нефт маҳсулотлари ҳамда сиқилган ва суюлтирилган газ реализация қилиш учун уларни жамғариш, сақлаш ва нефт база, филиаллар, АЁҚШ, АГТШ, АГТКШ, ФЁТШлар ва транзит орқали истеъмолчиларга хўжалик шартномалари асосида нефт маҳсулотлари етказиб беришдан иборат.

4.2. Жамият тижоратчи ташкилот бўлиб, ўз фаолиятида фойда олиш мақсадини кўзда тутди.

4.3. Жамият асосий фаолиятидан ташқари қуйидаги фаолият турларини амалга оширишга ҳақли:

турли маиший ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

ташқи-иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;

нефт маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва транспорт хизматларини кўрсатиш;

қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари.

4.4. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тегишли махсус рухсатнома (лицензия) олинганидан кейингина амалга оширилади.

4.5. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

нефт база, филиаллар, АЁҚШ, АГТШ, АГТКШ, ФЁТШлар тизимини барпо этади ва уларнинг фаолиятини ташкил этади;

йиллик иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бизнес режасини ишлаб чиқиб Таъсисчи билан келишилган ҳолда тасдиқлайди ва бажарилишини таъминлайди;

ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланилишини, илмий-техник ютуқларни жорий қилилишини таъминлайди;

янги қурилиш, кенгайтириш, реконструкция ва Жамиятни қайта қуроллантириш ишлари буйича истиқболли режалар тузади ва Таъсисчи билан келишилган ҳолда уларни амалга оширади;

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларига биноан моддий ресурсларга бўлган талабларни аниқлаб, уларни урнатилган тартибда олинлигини, сақланишини ва оқилона фойдаланилишини ташкил этади;

юридик ва жисмоний шахслар билан фуқаровий, хўжалик, меҳнат шартномаларини ва бошқа турдаги шартномаларни тузади;

даъво-талабнома ишларни юритади;

меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, саноат ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига қатъий риоя этилиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунчиликка риоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

штатлар жадвалини, уларни таъминлаш учун харажатлар сметаларини ишлаб чиқади ва Таъсисчи билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш, раҳбар ва муҳандис-техник ходимларни тарбиялаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида иш олиб боради;

ишчиларнинг иш хақи ва меҳнاتини меъёрлашнинг прогрессив услубларини ишлаб чиқади ва Таъсисчи билан келишган ҳолда тадбиқ этиб боради;

ходимлар вакиллик органлари билан ҳамкорликда ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва маиший турмуш ва турар-жой шароитларини яхшилаш, ижодий ташаббусларини рағбатлантиришга йўналтирилган Жамият ички ҳужжатларини ишлаб чиқади ва Таъсисчи билан келишилган ҳолда тасдиқлайди, бажариш тадбирларини амалга оширади;

қонунда белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини юритади;

ҳисобот даврлари бўйича бухгалтерия балансларини тузади, молия-ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилади, қонунда белгиланган солиқ турларини, барча нобюджет жамғармалари чегирмаларини, электр энергияси, алоқа, темир йўл, коммунал хизматлар, банк хизмат ҳақларини тўлайди;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга урнатилган тартибда сотади;

нефт маҳсулотларини етказиб бериш бўйича урнатилган тартибда шартномалар тузадилар;

мол-мулкни ижарага бериш ёки олиш юзасидан Таъсисчи билан келишилган ҳолда шартномалар имзолайди;

Нефт маҳсулотларини келтириш ва жамғариш бўйича:

нефт маҳсулотларини сотиб олади;

нефт маҳсулотларини юклаб бериш юзасидан буюртмалар беради;

маҳсулотларни етказиб бериш бўйича темир йўл ва бошқа транспорт ташкилотлари билан шартномалар имзолайди;

Нефт маҳсулотларини тақсимооти масаласида:

Хукумат томонидан тасдиқланган йиллик баланс ҳужжатлари асосида нефтни қайта ишлаш заводлари кесимида ва ўз навбатида нефт базалар кесимидаги тақсимоотларга кўра аниқланган тегишли йиллик миқдорларни етказиб бериш бўйича нефтни қайта ишлаш заводлари билан ўзаро шартнома имзолайди;

ўзаро шартномага мувофиқ ойлик ва кунлик режаларда кўзда тутилган миқдорларни юклаб бериш ҳақида талабномалар тақдим этади;

Нефт маҳсулотларини сотиш масаласида:

нефт маҳсулотлари нархлари урнатилган тартибда белгиланади;

нефт маҳсулотларини экспортга, давлат эҳтиёжлари (шу жумладан махсус истеъмолчиларга) учун давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилашга, белгиланган тартибда тасдиқланган давлат буюртмаси ҳажмларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ ичидаги эҳтиёжларига, истеъмолчиларнинг алоҳида тоифаларига ажратилган лимитлар бўйича, маҳсулотларни урнатилган тартибда сотилади;

нефт маҳсулотларини чакана сотиш шохобчалари тизимини барпо этади;

Нефт маҳсулотларининг ҳисобини юритишда:

нефт маҳсулотларининг етказиб бериш йўналишлари бўйича ҳисоб-китобини юритади;

ўз мулкни ҳимоя қилиш ва талон-торож қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

V. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият Таъсисчиси қуйидагиларга ҳақлидирлар:

қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегияси ва устувор йўналишларини белгилаб беради;

ягона техник сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, соҳада илмий-тадқиқот, қидирув ва лойиҳа конструкторлик ишларини ташкил қилиш, прогрессив илғор технологияларни жорий этишда кўмаклашади;

қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишишга;

Жамият молия-хўжалик фаолиятдан олинган фойдага эгалик қилиб, ва уни ўз қарорига кўра тақсимлашга;

Жамият молия-хўжалик фаолияти, тўлов ва бюджет интизомига риоя қилинишини, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва бошқа харажатларнинг амалга оширилиши, Жамиятга тегишли бўлган мол-мулк ва моддий бойликлардан оқилона фойдаланилиши, ҳисоб ва кадрлар сиёсатининг юритилиши устидан назорат ўрнатишга;

Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини олишга ҳақли;

ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

5.2. Жамият Таъсисчиси қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.3. Жамият Таъсисчининг мажбуриятлари:

Жамиятнинг ушбу Уставида назарда тутилган қоидаларга амал қилиши;

Жамият Уставида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда Устав фондини шакллантириши;

Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслиги шарт.

Жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар кўриб зарарга киришини олдини олиш бўйича амалий ёрдам беради

Жамият таъсисчисига қонунларда назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

6.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.

6.2. Жамиятнинг мол-мулки:

Таъсисчининг улушидан;

Жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;

фуқароларнинг, шунингдек муассасалар, Жамиятлар ва жамоат ташкилотларининг ихтиёрий улушлари ва ажратмаларидан;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар ва бадаллардан;

қайтариб олинмайдиган ёрдам ва хайрия бадалларидан;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун 33 900 000 000 сўм миқдорига устав фонди шакллантирилган.

7.2. Таъсисчининг Жамият устав фондидаги улуши — 33 900 000 000 сўмни ёки 100 фоизни ташкил қилади.

7.3. Жамиятнинг устав фондидаги Таъсисчининг улуши пул, мол-мулк, асбоб-ускуна, кўчмас мулк, интеллектуал мулк ва ҳ.к.лар билан киритилиши мумкин.

7.4. Таъсисчининг қарорига асосан Жамият Устав фонди кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

7.5. Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор Таъсисчи томонидан Жамият Устав фонди тўлиқ шакллантирилганидан кейингина қабул қилиниши мумкин. Устав фондини кўпайтириш Таъсисчи томонидан қўшимча улуш киритиш ва/ёки Жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини соф фойда ҳисобидан кўпайтириш тўғрисидаги қарор фақатгина бундай қарор қабул қилинган йилдаги Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида қабул қилиниши мумкин.

7.6. Жамиятнинг устав фондини камайтириш Таъсисчига тегишли бўлган улушнинг камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

7.7. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

VIII. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИСИ УЛУШИ (УЛУШИ ҚИСМИ) НИНГ УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

8.1. Жамият Таъсисчиси ўз қарорига мувофиқ Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушининг қисмини бошқа шахсларга сотишга ёки бошқача шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли.

8.2. Мазкур Устав билан назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

9.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлашга мажбур:

Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек таъсис ҳужжатларига киритилган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;

Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг устав фондига пул кўринишида бўлмаган улушларни пулда баҳолашни тасдиқлаш тўғрисидаги Жамият Таъсисчиси баённомаларини, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни;

Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

Жамиятнинг балансида бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни;

Жамият Таъсисчиси ҳамда Жамиятнинг ижро этувчи органи баённомаларини;

мустақил аудиторлик ташкилотлари ҳулосаларини;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни.

9.2. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар ижро этувчи орган жойлашган жойда сақланади.

9.3. Жамият Таъсисчининг талаби билан унга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатларини унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

X. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

10.1. Жамият мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

10.2. Жамиятнинг моддий-техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддий активлар ва молиявий захиралар ташкил этади. Жамиятнинг барча маблағлари тўлиқ унинг тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйилиши мумкин эмас.

10.3. Белгиланган муддатларда олинган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек қонунда белгиланган ҳисоботларни статистика, молия ва солиқ органларига топширади.

XI. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

11.1. Жамият барча мажбурий тўловлар ва солиқларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар Жамиятнинг фойдасини ташкил этади. Жамиятнинг соф фойдаси Жамият Таъсисчисининг қарорига мувофиқ қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин:

дивиденд тўлашга;

Жамиятни ривожлантириш (реинвестиция)га;

Жамият устав фондиди ошириш (капитализация)га;

Жамиятнинг олдинги йилларда йиғилиб келган зарарларини қоплашга;

Жамиятнинг захира фондига, шунингдек Жамият таъсисчиси қарорига мувофиқ тузилган бошқа фондларга.

Шу билан бирга, Таъсисчининг қарорига мувофиқ Жамият соф фойдаси тақсимланмасдан кейинги йилда тақсимланиш учун қолдирилиши мумкин.

11.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва тўловлар тўланади.

11.3. Жамият ўз устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди тўлиқ шакллангунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлиши мумкин эмас. Кейинчалик захира фонди ҳисобидан ишлатилган маблағлар ўрни ҳам шу тартибда тўлдириб борилади.

Жамиятнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш, шунингдек амалдаги қонунчиликда белгиланган мақсадларга ишлатиш учун мўлжаллангандир.

11.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тартибда нақд пулда ва нақд бўлмаган қийматда ўз хизматларини кўрсатади ва маҳсулотини сотади.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

ТАЪСИСЧИ

12.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи вазифаси унинг ягона Таъсисчиси томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият Таъсисчисининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради ва бу масалалар бўйича қарорлар Таъсисчи томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади:

Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг уставини тасдиқлаш;

устав фондининг миқдорини белгилаш ва ўзгартириш;

таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар ва йирик битимлар бўйича қарорлар қабул қилиш;

Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансларини тасдиқлаш, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш;

Таъсисчинг Жамият фаолияти билан боғлиқ буйруқлари, баённомалари, топшириқлари Жамият учун расмий хужжат бўлиб Таъсисчининг қарори ҳисобланади ва Жамиятнинг Директор ва ходимларнинг томонидан сўзсиз бажарилиши лозим.

ДИРЕКТОР

12.3. Жамиятнинг ижро этувчи органи бўлиб Жамиятнинг жорий ва қонун хужжатларининг бошқа масалалар фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи Директор ҳисобланади.

12.4. Жамиятнинг Директори Таъсисчи томонидан тайинланади ва худди шундай тартибда лавозимидан озод қилинади.

12.5. Директор лавозимиغا Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши сайланиши мумкин.

Жамият ва Жамиятнинг Директори ўртасидаги шартнома, Жамият номидан, Директор тайинланган Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида раислик қилувчи ёки жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан ваколат берилган Жамият иштирокчиси томонидан имзоланади.

12.6. Жамиятнинг Директори:

Жамият Уставига ва Иш берувчи томонидан берилган ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва иқтисодий барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Жамият фаолиятида амалдаги қонунчиликни тадбиқ қилиш ва унга риоя этилишини таъминлаш;

Жамият томонидан Таъсисчининг қарорлари ва топшириқларини бажарилишини ташкил этиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, унинг манфаатларини Ўзбекистон Республикаси давлат органларида ва бошқа давлатлар органларида, Жамиятлар, ташкилотлар ва муассасаларда ифодалаш, шунингдек битимлар тузиш;

Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар бериш, банкларда ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоблар очиш;

Жамиятнинг Таъсисчи томонидаги тасдиқланган ташкилий тузилмасига асосан штат жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда Таъсисчи билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни бекор қилиш, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш;

Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;

Жамият таркибий бўлинмаларининг самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан яхшироқ фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

Жамият мулкани талон-тароғжликлардан сақлаш учун барча зарур чораларни кўриш, моддий жавобгар шахсларни танлаш ва жой-жойига қўйишда шахсан жавобгарликни ҳис этиш;

нефт маҳсулотларининг талон-тарож қилинишига, маҳсулотларни бир-бирига аралаштириш йўли билан сифат бузилишлари ҳолатларини содир этилишига йўл қўймаслик;

маҳсулотларни қабул қилиш ва уларнинг инвентаризациясини ўтказиш жараёнларида шахсан иштирок этиш;

нефт маҳсулотларининг ҳисобини юритиш бўйича маълумотларни доимий таҳлил қилиб бориш ва нефт маҳсулотларини тарқатишни қишлоқ хўжалигида ўтказиладиган мавсумий тадбирларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилишини ташкил этиш;

жамоа шартномалари ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иш кўриш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

Жамият меҳнат жамоасининг меҳнат қилиши учун қонунчиликда, жамоа шартномаси ва индивидуал меҳнат шартномаларида белгиланган шарт-шароитларни яратиш;

Жамиятда меҳнат қилаётган ходимларга иш ҳақи ва бошқа белгиланган тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш;

Жамиятда ва унинг таркибий бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш, Жамият худуди атрофини зарарли чиқиндилар билан ифлослантирилишининг олдини олиш;

ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалиниш ҳолатлари ҳақида Таъсисчини ўз вақтида хабардор қилиш;

ходимларни махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишини ташкил этиш;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалар ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш ва уни Таъсисчининг тасдиғига киритиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

нефт маҳсулотларининг сифат ва миқдор жиҳатдан сақланиши бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш ва уни амалга оширилишини назорат қилиш;

ўлчов воситаларининг давлат андозалари талабларига мос келиши, уларнинг ўз вақтида давлат кўригидан ўтказиб борилишини таъминлаш;

Жамиятнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларидан оқилона фойдаланиш, тўлов интизомини, жумладан истеъмолчиларга етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун тўловларнинг қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилиши, олдиндан тўлов белгиланган маҳсулотларнинг тўловларсиз бериб юборилишига йўл қўймаслик;

моддий-товар бойликларини сотиб олиш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши, сифатсиз, баҳоси асоссиз юқори белгиланган, шартномада кўрсатилмаган тур ёки типдаги товарларнинг олинishiга йўл қўймаслик;

истеъмолчиларга берилган нефт маҳсулотлари учун тўловларни қонун доирасида ундирилишини таъминлаш;

қўл остидаги ходимлар томонидан ёнгин ва саноат ҳавфсизлиги, хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа йўриқномалар талабларига доимий амал қилинишини талаб қилиш;

ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ташкил этилишини, унинг зарур ҳолатда бўлиши ва ишончлилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга, шунингдек, кредиторларга ва бошқа маълумотларни олувчиларга жўнатиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Жамиятда йиллик бизнес-режа ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш ва унинг бориши тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни, шунингдек ўз ваколатига тегишли бўлган ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни Таъсисчига ва тегишли давлат органларига белгиланган муддатларда тақдим этиш;

Жамият аудиторининг талабига кўра Жамият молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Давлат статистика ҳисоботлари тўлиқлигини ва уларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

йўналишлар бўйича чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларини Таъсисчига тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Жамиятнинг тижорат сирини бўлган ахборотни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, Жамиятнинг тижорат сирини бўлган маълумотлар рўйхати Таъсисчи томонидан белгиланади;

хизмат ёки тижорат сирини ҳисобланган ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

меҳнат ва технология интизоми сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя этилишини таъминлаш;

Таъсисчи томонидан унга юклатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

12.8. Директор Таъсисчига ҳисобот беради ва унинг олдида Жамият фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

XIII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ

13.1. Жамиятда кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси кўзда тутилмаган.

13.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ички аудит хизмати ташкил этилиши мумкин.

13.3. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат Таъсисчи ёхуд мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

XIV. ХОДИМЛАР

14.1. Жамият маъмурияти ходимлар билан жамоа шартномасини имзолайди. Ушбу шартноманинг мазмуни, шу жумладан “Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Низом” Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, шунингдек Жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

14.2. Жамият ходимлари — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш вақти ва дам олиш тартиби, уларнинг ижтимоий, пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинади. Ушбу нормалар Жамиятнинг чет эллик ходимларига ҳам тадбиқ этилади, ҳар бир чет эллик ходим билан алоҳида тузиладиган шартнома (контракт)да ҳал қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат таътиллари бериш, пенсия таъминоти масалалари бундан мустасно.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

15.1. Жамиятнинг тижорат сири дейилганида тарқатилиши (бериш, узатиш) унинг манфаатларига зарар етказувчи, Жамиятни бошқариш, режалаштириш, молиялаштириш ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган услубий ахборот, маълумотлар тушунилади.

15.2. Ҳар бир ходим Жамиятнинг молиявий ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай, шу жумладан тасодифан олинган маълумотнинг тарқалиб кетмаслик чораларини кўриши ва бундай ахборотнинг тарқатилишидан огоҳлантириш шарт.

15.3. Тижорат сири тарқатилган ҳолда Директор ахборотнинг тарқалишидан огоҳлантириш учун барча чораларни кўради ҳамда айбдор шахсга нисбатан уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни қўллайди.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49 – 55 моддаларида ва Ўзбекистон Республикаси “Масъулиятли чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” Қонунининг 49 – 55 моддаларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

16.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Таъсисчининг қарори бўйича қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилади.

16.3. Жамиятни тугатиш Таъсисчининг қарори ёки Иқтисодий судининг қарори асосида амалга оширилади.

XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

17.1. Таъсис шартномаси ва Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, Таъсис шартномаси ва Уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Ўзбекистон Республикасининг суд органлари орқали ҳал қилинади.

XVIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18.1. Ушбу Устав Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

18.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

“Гулистон нефт базаси” МЧЖ директори:



Х.Туйчиев